



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ТҮЛОВЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a28

Раджапов Қаландар Озодович
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети магистранти

Аннотация. Ўзбекистон Республикасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанигининг зарур дараҷасини таъминлаш ҳамда имтиёзлар бериш борасида аниқ мезон ва механизмларни ишлаб чиқиши, берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлигини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ключевые слова: бюджет сиёсати, солиқ маъмурчилиги, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ҳисоботи, солиқ ставкаси, преференциялар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СЧЕТА НАЛОГОВЫХ ПЛАТЕЖЕЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Раджапов Қаландар Озодович
Магистрант Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация. В Республике Узбекистан особое внимание уделяется разработке чётких критерииев и механизмов обеспечения необходимого уровня собираемости налогов и других обязательных платежей, а также оценке эффективности данных мер по предоставления льгот и преференций

Ключевые слова: бюджетная политика, налоговое администрирование, налоговые поступления, налоговые льготы, налоговая отчетность, налоговая ставка, преференции.

IMPROVING TAX ACCOUNTS REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Radjapov Qalandar Ozodovich
Master of the Tashkent State University of Economics

Abstract. In the Republic of Uzbekistan, special attention is paid to the development of clear criteria and mechanisms for ensuring the required level of collection of taxes and other obligatory payments, as well as the provision of benefits, and assessing the effectiveness of these measures. benefits and preferences.

Keywords: budget policy, tax administration, tax revenues, tax benefits, tax reporting, tax rate, preferences.

Кириш. Республикаизда инвестицион жозибадорликни янада яхшилаш мақсадида солиқ ислоҳотлари давом эттирилмоқда. Шунингдек, солиқ имтиёзлари самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича таъсирчан тизимни жорий этиш орқали имтиёзларнинг солиқ тўловчининг молиявий фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш ҳамда самарасиз ва мақсадсиз берилган имтиёзларини бекор қилиш бўйича бир қанча меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар тасдиқланиши, шу жумладан, Солиқ кодексининг тегишли моддаларига ўзгариши ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бугунги кунда солиқ органларида Ўзбекистон Республикасининг норматив-хуқуқий ҳужжатлари ва халқаро шартномаларда (шу жумладан, маҳфий ҳужжатларида) назарда тутилган солиқ имтиёзлари ҳисобини юритиш, уларни қўллашни амалга оширувчи юридик

шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобининг тўлақонли ва ўз вақтида юритилишини таъминлаш, мазкур масала бўйича махсус ахборот базасини шакллантириш, улардан фойдаланиш, тизимли таҳлил қилиш мақсадида ишлаб чиқилиб, такомиллашиб бормоқда. Солиқ қўмитаси томонидан “Солиқ имтиёзлари ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш” ҳамда солиқ органлари таркибий тузилмаларида солиқ имтиёзлари маъмуриятчилиги масалалари юзасидан ўзаро ҳамкорлик ва ахборот алмасиши барча солиқ органларига тааллуқли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида солиқлар бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилиги асосида тақдим этилиши белгиланган. Солиқ имтиёзларини ҳисобга олиш бўйича марказий маълумотлар базаларида, шунингдек, уларни қўллаётган юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги

маълумотларнинг сифатини таҳлил қилишда қуидагиларга эътибор бериш керак.

Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 595-сонли қарорига асосан солиқ имтиёzlари ҳисобини юритиш ҳамда таҳлил қилиш тартибини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Шу нуқтаи назардан таъкидлаш керакки, солиқ тўловлар ва солиқ имтиёzlари ҳисобини юритишни тартибига солищда дунё мамлакатлари амалиётида мавжуд бўлган тажрибалар, усуллар ва мезонларни ўрганган ҳолда, замонавий усуллардан фойдаланиш ва такомиллаштириб бориш долзарб мавзу бўлиб қолмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар” деб номланган 12-моддасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар қуидагича эътироф этилган:


Солиқлар деганда, ушбу кодексда белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджеттага йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади[1].

Бундан кўриниб турибдики, тўловлар икки қисмга: солиқ тўловлари ва бошқа мажбурий тўловларга бўлинади.

Ўрганишларда, иқтисодий адабиётлар, илмий тадқиқотлар ва меъёрий ҳужжатларда «солиқ тўлови» тушунчасига турлича таърифлар ҳамда тушунтиришлар берилган.

А.Абдуллаев фикрича, солиқ тўловлари бўйича солиқ мажбуриятларининг вужудга келиши асосида корхона уларни бухгалтерия ҳисобида харажат сифатида тан олиши керак, деб ҳисоблаган. Молиявий ва солиқ ҳисоботларидағи маълумотларнинг объектив бўлишлиги учун даромадлар ва харажатлар тан олиниши зарурлиги билдирилган.

Солиқ харажатлари таркибида қуидаги харажатларни киритиш таклиф қилинган[2].




1-расм.Солиқ харажатлари таркиби

Халқаро амалиётда хўжалик юритувчи субъектларда солиққа тортиладиган фойдани аниқ ҳисоблашда “доимий фарқлар”, “вақтинчалик фарқлар” тушунчалари муҳим аҳамиятга эга. Фарқлар бухгалтерия ҳисобида кўрсатилган фойда билан солиққа тортиш мақсадида аниқланган фойда ўртасидаги тафовутдир.

Бу фарқлар даромадлар ва харажатларни бухгалтерия ҳисоби ва солиқ қонунчилигига тан олиш қоидалари ҳар хиллигидан келиб чиқади.

Молиявий ва солиқ ҳисоботларидағи маълумотларнинг объектив бўлишлиги учун даромадлар ва харажатлар тан олиниши зарур. Бухгалтерия ҳисобининг 12-сонли “Фойдадан солиқ” номли халқаро стандартида вақтинчалик фарқларга қуидагича таъриф берилган: Вақтинчалик фарқлар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати билан унинг солиқ базаси ўртасидаги фарқлардир[3].



2-расм. Фойда солиғи бүйича фарқларнинг таснифи[2]

Шундан келиб чиқсан ҳолда, А.Абдулаев Солиқ кодексининг 218-моддасида келтирилган нормаларни бухгалтерия ҳисоби счёtlарида акс эттириш бүйича қуидаги таклифларни берган:

1) тадбиркорлик фаолияти доирасида фойдаланиладиган күчмас мулк сотиб олинганда, қўшилган қиймат солиғи бүйича "ҳисобга олинадиган солиқ суммаси"ни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни 0970-“Қўшилган қиймат солиғи бүйича ҳисобга олинадиган солиқ суммаси – узоқ муддатли қисми” номли счёti ва 3230-“Қўшилган қиймат солиғи

бүйича кечиктирилган жорий қисми” номли счёtdа ҳисобга олиш ва ушбу счёtni ишчи счёtlар режасига киритиш;

2) 0970-“Қўшилган қиймат солиғи бүйича ҳисобга олинадиган солиқ суммаси – узоқ муддатли қисми” номли счёti ва 3230-“Қўшилган қиймат солиғи бүйича кечиктирилган жорий қисми” номли счёtlарни ишчи счёtlар режасига киритиш асосида сотиб олинган асосий воситаларни бухгалтерия ҳисоби счёtlарида қуидагича акс эттиришни таклиф қилган(З-жадвал):

1-жадвал

Сотиб олинган асосий воситаларга тегишли бўлган ҚҚСни счёtlарда акс эттириш тартиби[2]

№	Хўжалик операцияларининг мазмuni	Счёtlар корреспонденцияси		Суммаси
		Дебет	Кредит	
1.	Мол етказиб берувчилардан асосий восита сотиб олинди	0820	6010	640000000
2.	Мол етказиб берувчилардан асосий восита харид қилишда ҚҚС бўйича ҳисобга олинадиган солиқ суммаси (узоқ муддатли қисми, 36 календарь ой учун)	0970	6010	160000000
3.	Мол етказиб берувчилардан олинган кўчмас мулк суммаси ўтказиб берилди	6010	5110	800000000
4.	Харид қилинган кўчмас мулк обьекти асосий воситалар таркибиغا ўтказилди	0120	0820	640000000
5.	ҚҚС бўйича ҳисобга олинадиган солиқ суммасининг жорий қисми, 1/3 қисмiga	3230	0970	53333333
6.	ҚҚС суммаси 1 календарь ой учун ҳисобга олинди (53333333/12 ой)	4410	3230	4416667

Умуман, бухгалтерия ҳисобининг моделларини ўрганишда “ҳисоб модели”, “ҳисобнинг миллий модели”, “ҳисобнинг халқаро модели”ни бир-бираидан фарқлаш керак.

Модель бошқа тизим тўғрисида маълумотлар олиш воситаси бўлиб, моддий ёки фикрлаш асосида кўзда тутиладиган тизим тушунилади[4]. Модель амалдаги ва функцияси давом эттаётган тизимларни маълум бир хусусиятига кўра тасаввур этишдир. Бухгалтерия ҳисобининг миллий тизимига нисбатан унинг модели эса муҳим хусусиятлар ва

миллий ҳисоб тизими таснифининг тасаввури тушунилади. Миллий ҳисоб моделлари бир-бираидан мамлакатларда олиб борилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа жараёнларнинг хусусиятлари билан фарқ қиласи. Ҳисоб моделининг илмий маҳиятидан келиб чиқсан, биринчилардан бўлиб, итальян математиги Луко Пачоли томонидан яратилган. Бу модель “икки ёқлама ёзув”[5] деб номланган ва ҳозирги бухгалтерия ҳисобининг асоси бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодчилар томонидан XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳисоб моделлари борасида илмий тадқиқотлар олиб борилди ва улар бир қанча белгиларга кўра таҳлил қилинди. Уларнинг асосида икки хил қарааш: дедуктив ва индуктив қараашлар ажralиб турди. Дедуктив қараашда бухгалтерия ҳисоби моделининг шаклланиши ва ривожланишига ташқи омиллар таъсири ўрганилди. Шунингдек, бир қанча мамлакатларда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа шароитлар бир-бирига ўхшаш бўлиб, улар бухгалтерия ҳисоби тизимиға таъсир кўрсатади.

Дедуктив қараашнинг асосчиси Г.Р.Хетфилд бўлиб, у ғарб мамлакатларидаги бухгалтерия ҳисобини учта методга: Америка, Британия, континенталга бўлиб, уларга тушунишилар берган.

Бир қанча хитойлик иқтисодчилар, жумладан, профессорлар Ли Синъхэ (Нанкин университети), Тан Юньвэй (Шанхай университети), Тан Юньвэй (Шанхай университети) ва бошқалар юқоридаги қараашларни маъқуллаган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби тизимиға қуйидаги омиллар таъсир кўрсатишни ўзларининг тадқиқотларида эътироф этган[6]:

- сиёсий омиллар;
- ҳуқуқий омиллар;
- иқтисодий омиллар;
- ҳалқаро омиллар;
- маданий омиллар;
- таълим билан боғлиқ омиллар;
- бухгалтериянинг профессионаллиги билан боғлиқ омиллар.

Хитой тадқиқотларида “Муго” ёки “Она давлат” тушунчалиси ҳам мавжуд, яъни маълум бир давлатлар иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорлик билан бир қаторда ҳуқуқий базасига ҳам катта таъсир кўрсатади, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби тизимиға ҳам.

Татқиқотчилар томонидан “Она давлат” сифатида қуйидагилар қайд этилади:

АҚШ, унинг модели Мексика ва Жанубий Америка мамлакатлари ҳисоб модели ва тизимиға таъсир кўрсатган;

Буюк Британия, унинг модели Австралия ва Ҳиндистон мамлакатлари ҳисоб тамойиллари асосини ташкил этади;

Франция, унинг модели Наполеон кодекси асосида Жанубий Европа, Жанубий Америка мамлакатларининг Фуқаролик кодекслари қабул қилинган ва ҳозир ҳам ҳаракатда[7].

Жаҳон миқёсида бухгалтерия ҳисоби тизими қуйидаги йирик моделларга бўлиниади:

- Континентал (европа модели);

Британия-америка модели;

Жанубий Америка модели;

Бухгалтерия ҳисобининг ислом модели.

Россияда бухгалтерия ҳисоби тизимиғининг уч модели таснифи Г.Мииқ, Г.Мюллер, Х.Гернен томонидан яратилган. Бунда қуйидаги асосий моделлар кўрсатилган[8]:

инглиз-америка модели (АҚШ, Буюк Британия, Голландия, Австралия, Канада ва шу кабилар);

континентал модель (Германия, Франция, Австрия, Бельгия, Греция, Дания, Испания, Россия, Швейцария, Япония ва шу кабилар);

Жанубий Америка модели (Аргентина, Бразилия, Чили, Эквадор, Парагвай, Перу ва шу кабилар). Континентал модельда бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади, инвесторларнинг қизиқишини қондириш эмас, балки мажбурий давлат нормаларига мувофиқ солиқقا тортиш базасини аниқлаш, ҳисоблашдир.

Шунингдек, бунда ҳуқуқий нормалар ва қоидалар принципиал харакатерга эга. Бухгалтерия ҳисоби тизимиғининг ижро органи ҳукумат томонидан назорат қилинади. Индуктив қарааш дедуктив қараашга альтернатив (муқобил) бўлиб, у асосий иқтисодий таҳлилнинг статистик методларига таянади. Бу борада тадқиқотлар йирик ҳалқаро корхоналар (KPMG, Price Waterhouse Coopers, Ernst, & Young) томонидан олиб борилади.

Ислом моделининг асосий жиҳатлари шундан иборатки, унда, асосан, Қуръон ва суннатда белгиланган талаблар амал қиласиди. Бундан ташқари корхона даромадларининг манбалари ҳам кескин фарқланади. Жумладан, спекулятив даромадлар, фоизлар таъқиқланади. Исломий ва анъанавий бухгалтерия ҳисоби ўртасида жуда кўп ўхшашликлар мавжуд, иккаласида ҳам фойдаланувчиларга таққослаш орқали қарорлар қабул қилиш имкони берилади.

Исломий ва муқобил инвестицияларни баҳолаш харажатларни минималлаштиришга имкон берадиган фойдали иқтисодий маълумот бериш билан боғлиқ. Аммо шариат доирасида муомалада бўладиган исломий битимлар моҳияти ҳар хил, чунки исломий ташкилотлар ижтимоий-иктисодий адолат ва барқарорликка ҳисса қўшиши шарт. Исломий бухгалтерия ҳисоби тижорат ҳуқуқидан кўра ахлоқий қонунларга асосланади. Унинг мақсади исломий ташкилотлар ўз ишларида шариат принципларига амал қилишини таъминлашдир. XX асрнинг охирларига келиб, бухгалтерия ҳисобини моделлаштириш соҳаси бўйича

олиб борилган таҳлилий ва таққослама илмий тадқиқотлар натижасида бухгалтерия ҳисобининг янги моделларини шакллантиришга эҳтиёжлар пайдо бўлди.

Жаҳонда рўй берадиган глобаллашув ва ахбортлашув жараёни талабларига мос келувчи бухгалтерия ҳисобининг янги моделларни ишлаб чиқишига янгича методик ёндашувлар тайёрланмоқда. И.В.Киселева, Н.В.Кулишнинг ёзишича, бухгалтерия ҳисобининг янги моделини интеграцион-технологик модель деб аташимиз мумкин, унинг моҳияти шундан иборатки, иқтисодий субъект ахборотларини янги информацион технологиялар ёрдамида ягона ахборотлар майдонига йўналтиради[9].

Соҳа мутахассиси З.Н.Қурбонов ўзининг илмий ишларида континентал модель тўғрисида қўйидаги фикрларни билдирган: “Континентал” моделда бухгалтерия ҳисоби тизими бевосита солиққа тортишнинг тамойиллари, қоидалари асосида шаклланади ва юритилади.

Бу модель ташкил қилинганда, молиявий бухгалтерия ҳисоби билан солиқ ҳисобининг кўрсаткичлари мос келади. Шунинг учун ҳам “континентал” модель баъзан “солиқ” модели деб ҳам юритилади[10].

Бухгалтерия ҳисоби моделларини ўзгартиришдан асосий мақсад унинг турларини ёки таркибий қисмларини аниқлаш эди. Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларида молиявий ва бошқарув ҳисоблари бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми сифатида қайд этилган бўлса, кейинги даврда иқтисодий адабиётларда “солиқ ҳисоби” ёки “солиқ тўловлари ҳисоби” тушунчалари бухгалтерия ҳисобининг қуи тизими сифатида ёритилмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг модели миллий ҳисоб тизими тавсифи ва унинг муҳим хусусиятларини ифодалайди. Миллий ҳисоб моделлари бир-биридан мамлакатларда олиб борилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа жараёнларнинг хусусиятлари билан фарқ қиласди. Ҳисоб моделининг илмий моҳиятидан келиб чиқсан, у биринчилардан бўлиб, итальян математиги Луко Пачоли томонидан юратилган. Бу модель «икки ёқлама ёзув»[5] деб номланган ва ҳозирги бухгалтерия ҳисобининг асоси ҳисобланади.

Жумладан, О.Н.Волкованинг фикрича, “Ривожланган мамлакатларда солиқ тизими натижасида солиққа тортиш базасини аниқ ҳисобкитоб қилиш зарурати туғилди. Давлат ҳам,

мулқдор ҳам ва бошқарувчилар ҳам биладиларки, бундай ҳисоб-китоблар учун ягона ва объектив маълумот умумқабул қилинган тамойилларга мос равишда жамланган ҳисоб маълумотлариридир. Шу тариқа солиқ ҳисоби пайдо бўлди”[11].

Тадқиқот методикаси. Солиқ тўловлари ҳисобини такомиллаштириш ва тартибга солиши бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, таҳлилий ва тўловлар ҳисоби шаклланишини қиёсий солишириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш, умумлаштирилган маълумотни гурухлаш, индукция ва дедукция усусларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикасида солиқлар бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилиги асосида тақдим этилади. Имтиёзлар ҳисобини юритиш мақсадида “Е-имтиёз” автоматлаштирилган ахборот тизими амалиётга жорий этилади. Дастур ёрдамида солиқ тўловчиларга тақдим этилган имтиёзлардан тўғри фойдаланишини назорат қилиш, бизнесда соғлом рақобат муҳитини яратиш, имтиёздан фойдаланиш юзасидан хабардор қилиш интерактив хизматини жорий этиш орқали товар ва хизматлар ҳамда корхоналарга имтиёзларни боғлаш механизми яратилади. Солиқ тўловчиларга реализация қилинаётган товар ва хизматларга ҳамда объектларга (кўчмас мулк ва ер участкаси) имтиёзларни қўллаш ёки рад этиш қўйидаги босқичларда амалга оширилади.

Биринчи босқичда имтиёздан фойдаланиш юзасидан хабардор қилиш интерактив хизмати орқали келиб тушган мурожаатлар сараланади.

Иккинчи босқичда имтиёзни қўллаш бўйича мурожаатлар категорияларга ажратилади ва бир иш куни ичида тегишли тузилмага ички идоравий ҳужжат орқали хулоса бериш учун юборилади.

Учинчи босқичда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш тузилма (Солиқ турига масъул бошқарма ва бўлимлар) томонидан мазкур тузилмалар билан биргаликда хулоса тайёрланиб, имзоланади.

Тўртинччи босқичда имтиёз қўлланилиши юзасидан хулоса қилинган ҳолларда автоматлаштирилган ахборот тизимида киритилади. Имтиёз қўлланилиши рад этилган ҳолларда хулоса олинган куннинг ўзида солиқ тўловчига асослантирилган хабар юборилади.


**Солиқ тўловчилар томонидан йўлланган мурожаатларнинг бажарилиш кетма-кетлиги
ва ижро муддатлари бўйича босқичма-босқич бажарилиши**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Амалга ошириш даври
1-босқич	Интерактив хизмати орқали йўлланган мурожаат	Имтиёздан фойдаланиш юзасидан хабардор қилиш тўғрисида йўлланган мурожаатларни ўрганиш ва саралаш	Доимий назоратга олиб, статистикасини юритиш
2-босқич	Тегишли тузилма (бўлим, шуъба)	Имтиёзни қўллаш бўйича мурожаатлар категорияларга ажратилади ва тегишли тузилмага ички идоравий ҳужжат орқали хulosса бериш учун юборилади	1 иш кун муддатида
3-босқич	Солиқ органларининг тегишли бўлимлари	Солиқ тўловчиларга хизмат қўрсатиш тузилма (Солиқ турига масъул бўлим ва шуъбалар) томонидан мазкур тузилмалар билан биргаликда хulosса тайёрланиб, имзоланади	Масъул тузилмалар хulosани доимий тасдиқлайди
4-босқич	Автоматик тарзда хабар юбориш	Имтиёз қўлланилиши юзасидан хulosса қилинган ҳолларда автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади. Имтиёз қўлланилиши рад этилган ҳолларда хulosса олинган куннинг ўзида солиқ тўловчига асослантирилган хабар юборилади	Шу куннинг ўзида электрон тарзда ёки қоғоз кўринишида юборилади

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш тўғрисида юборилган маълумотларни ўрганиб чиқиш бўйича Солиқ қўмитаси томонидан ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланиши керак. Ишчи гурухнинг хulosасига асосан амалга оширилиши белгилаб қўйилади. Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси “Янги технологиялар” маркази ДУК “Имтиёздан фойдаланиш юзасидан хабардор қилиш” интерактив хизмати амалиётга жорий этилишини таъминлайди. Солиқ қўмитасининг т-

гишли бўлими томонидан солиқ имтиёзларини қўллай олиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобини юритиш бўйича маълумотлар “Е-имтиёз” ахборот тизимида шакллантирилади ва ҳар бир солиқ имтиёзи учун алоҳида солиқ имтиёзи уникал кодини (ID-рақами) беради. Мазкур ахборот базаси барча фойдаланувчиларга солиқ имтиёзларидан фойдаланган корхоналар тўғрисидаги маълумотларни тез (битта СТИР ва бошқа) шакллантириб олиш ва назорат қилиш имкониятини яратади.



3-расм Солиқ тўловчи имтиёздан фойдаланиш юзасидан йўлланган мурожаатнинг ижросини қилиш кетма-кетлиги

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Баҳолаш жараёнида амалга оширилган самарадорлик ҳисоб-китоблари солиқ, статистик, молиявий ҳисбот маълумотлари, шунингдек, бошқа ишончли маълумотларга асосланиши керак.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, республикамизда рақобат муҳитини янада яхшилаш ҳамда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва иқтисодиётнинг барқарор

MOLIYA VA SOLIQLAR

дагилар таклиф этилади.

Солиқ тұловлар ҳисобини такомиллаштириш барча мамлакатларнинг мұхим масалалардан бири ҳисобланади. Солиқ тұловларининг яхши тизимини сақлаш ва уни такомиллаштириш давлат бюджетининг барқарорлигі ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига құллашнинг мұхим шарти ҳисобланади. Бу эса барча фуқаролар учун самарали ва үзларининг молиявий ҳолатларини мустаҳкамлаш учун мұхимдир.

Солиқ тизимини такомиллаштиришда бир нечта мұхим асосий масалалар мавжуд. Бириңчиси, солиқ тұловлари тұғри ва адолатли ҳисобланиши лозим. Бу солиқ тұловларининг тұғри ҳисобланишини таъминлаш ва молиявий ривожланишнинг барқарорлигини кафолатлаш учун зарурдир. Солиқ ҳисобларининг тұғри бўлиши мамлакат ривожланишида асосий омил ҳисобланади.

Иккинчиси, солиқ тизими ўз ичига иқтисодий равища транспаренцияни таъминлаши керак. Фуқаролар, корхоналар, ва давлат органлари учун солиқ қоидаларининг осонроқ тушунилиши ва амалга оширилиши солиқ ҳисобларининг тұғри ҳисобланганлыгини ва молиявий ҳисоб-китобларнинг транспаренциясini оширади. Бу эса коррупцияга қарши кураш ва молиявий ривожланиш учун мұхимдир.

Учинчи мұхим масала солиқ тизимининг иқтисодий инновацияларга мослаштирилиши кераклигидir. Иқтисодий равища янгиликларни қабул қилиш, солиқ тұловларини яхши тартибда амалга ошириш учун автоматлаштирилган усуулларни ишлаб чиқиш солиқ тизимини ривожлантириш учун зарурдир. Бу солиқ тизимининг қулайликларини оширади ва фуқароларга ва корхоналар учун солиқ тұловларини тұғри ва осон қилишда ёрдам беради.

Солиқ тұловлари ҳисобини такомиллаштириш мамлакатнинг молиявий ривожланиши ва фуқаролар учун адолатли мұхит яратында мұхим роль ййнайды. Солиқ тизимининг такомиллаштирилиши барча фуқаролар учун яхши имкониятларни яратади ва давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлайды. Шунингдек, солиқ тизимининг такомиллаштирилиши молиявий ривожланиш ва коррупцияга қарши кураш учун зарурдир. Мамлакаттар бу масалага катта эътибор бериш ва солиқ тизимини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилишлари лозим.

такомиллаштирилиши молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ва содиқлигини таъминлашда ўзига хос ахамиятга эга. Солиқ тұловлар ҳисобини такомиллаштириш мамлакатнинг молиявий мақбулиятини оширади ва чет эл инвесторлари учун ҳам атрактив инвестиция мұхитини яратында ўрин олади.

Бир неча мамлакатларда солиқ тизими ни такомиллаштириш учун мұхим қадамлар қўйилмоқда. Бу солиқ тизимини автоматлаштириш, электрон солиқ ҳисоб-китобларини жорий қилиш, солиқ тұловларининг мониторингини ошириш ва солиқ тұловларининг ўз вақтида қабул қилиниши ва ҳисобланиши учун янги технологияларни қўллашни ўз ичига олади.

Солиқ тұловлар ҳисобини такомиллаштириш, мамлакатлар учун кўпроқ самарали ва барқарор молиявий тизим яратында катта ахамиятга эга. Бу молиявий ривожланиш ва фуқароларнинг молиявий ҳолатини яхшилашда ўзига хос мұхим ўринни тутади. Шунингдек, бу демократик ва иқтисодий транспаренцияни ошириш, коррупцияга қарши кураш ва молиявий ривожланишни таъминлашда энг мұхим йўллардан бири ҳисобланади.

Солиқ тизимини такомиллаштириш учун мамлакатлар қонун ҳужжатлари ва солиқ ҳисоб-китоблари, ҳисоботлар ва бошқа мұхим молиявий маълумотларга оммавий киришни таъминлаш, солиқ тизимини автоматлаштириш ва янги технологиялардан самарали фойдаланишга қаратилган қонуний ва иқтисодий жараёнларга эътибор бериш лозим. Бу жараён давомида мамлакатлар ўз тизимларини такомиллаштириш ва молиявий ҳисоб-китобларни транспаренция ва содиқлик асосида бошқариш учун ҳаракат қилиши зарур.

Бошқа мұхим қадам солиқ тизимини такомиллаштиришда, фуқаролар ва корхоналар орасидаги молиявий муносабатларнинг осонлаштирилиши ва молиявий ривожланишга ёрдам беришdir. Бу солиқ тизимининг бошқа соҳаларга кўрсатилган фаолиятларини ўрганиш, солиқ тұловларининг тұғри ва барқарор ҳисобланганлыгини таъминлаш ва солиқ қоидаларига риоя қилишда хавфсизликни таъминлашга ёрдам беради.

Солиқ тұловлар ҳисобини такомиллаштириш, мамлакатлар учун мустаҳкам молиявий тизим яратында мұхим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу янги инвестицияларни жалб қилиш, коррупцияга қарши кураш, демократик транспаренцияни таъминлаш ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини

мустаҳкам қилиш учун зарурдир. Ҳар бир мамлакатда солиқ тизимини такомиллаштиришга қарорли ва самарали қадам ташлаш орқали фуқаролар учун яхши молиявий муҳит яратишга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармонни имзолади. Ҳужжат матни ЎЗА томонидан келтирилган. Ҳужжатда Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгиланди:

- иқтисодиётга солиқ юкининг даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишининг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш;

- солиқларни унификация қилиш йўли билан уларни мақбуллаштириш, ўхшаш солиқ солиши базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш, солиқ ҳисботларини қисқартириш ва соддалаштириш, операцион харажатларни минималлаштириш;

- макроиқтисодий вазиятнинг барқарорлигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва унинг даромадларини мустаҳкам шакллантиришни таъминлаш;

- солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-хуқуқий хужжатлардаги зиддиятлар ва қарамақаршиликларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш;

- солиқ солиши масалаларини тартибга соладиган ҳавола қилувчи нормалар ва қонуности ҳужжатларини максимал даражада чеклаган ҳолда солиқ қонунчилигининг барқарорлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш, шу жумладан, кодексда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкалари миқдорларини белгилаш;

- хорижий инвесторлар ва инвестициялар учун қулай режимни сақлаб қолиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ва ишончли хуқуқий ҳимоялаш;

- солиқ назоратининг шакл ва механизmlарини, шу жумладан, солиқ солиши объектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига тако-

миллаштириш, трансфер нархларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларга солиқ солиши тартибини жорий этиш.

Хулоса ва тақлифлар. Солиқ тўловлар ҳисобини такомиллаштириш республикамиз учун мустаҳкам молиявий тизим яратишда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда янги инвестицияларни жалб қилиш, коррупцияга қарши кураш, демократик транспаренцияни таъминлаш ва давлатимизнинг иқтисодий ривожланиши мустаҳкамланиши кўзда тутилган. Бундан ташқари солиқларни унификация қилиш йўли билан уларни мақбуллаштириш, ўхшаш солиқ солиши базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш, солиқ ҳисботларини қисқартириш ва соддалаштириш, операцисон харажатларни минималлаштириш тўғрисида алоҳида урғу берилмоқда.

Шунингдек, солиқ тўловлар ҳисобини такомиллаштириш барча мамлакатларнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланиши ва солиқ тўловларининг яхши тизимини сақлаш, уни такомиллаштириш, давлат бюджетининг барқарорлиги ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига қўллашнинг муҳим шарти ҳисобланиши назарда тутилган. Бу эса барча солиқ тўловчилар ва фуқаролар учун самарали бўлиб, ўзларининг молиявий ҳолатларини мустаҳкамлаш алоҳида ўринга эга.

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида тиббиёт учун мўлжалланган буюмлар реализация қилиш бўйича айланма солиқ солищдан озод қилинган. Дори (ветеринария) воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар реализацияси бўйича айланмаларнинг қўшилган қиймат солиғидан имтиёзини бекор қилиши.

2. Ўзбекистон Республикасида айрим солиқ имтиёзлари долзарблигини йўқотганилиги сабабли рақобат муҳитига тўсқинлик қилувчи индивидуал хусусиятга эга бўлган ва самарасиз ҳолатларга тўғри келаётган солиқ имтиёзларини Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорларида белгиланган солиқ имтиёзларининг айримларини бекор қилиш ёки барча солиқ имтиёзларини ягона реестр қилиб такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда инвесторлар ва тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратиш, бундан ташқари бюджетига қўшимча маблағлар тушиши таъминланади ҳамда тадбиркорлик субъектларига берилган солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш имконияти яратилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 05.01.2019 й.
2. Абдулаев А. Солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш бўйича PhD автореферати.IAS-12 «Income Taxes», БХХС, «Фойдадан солиқ».
3. Куан Кунву. Анализ и устройство информационной системы. – Пекин: Унверситет Цинхуа, 2006. – 317 стр.
4. Пачоли Л. Трактат о счетах и записях. / Под ред. проф. М.И.Кутера. – М.: Финансы и статистика; – Краснодар: Просвещение-Юг, 2009.
5. Суан Суоди. Влияние внешних факторов на бухгалтерский учет в КИР. Экономическое и научно-техническое сотрудничество, 2005, 45 стр.
6. Лю Ию. О Принципе контроля материальной страны в законодательстве ЕС о финансовых услугах Вопросы юриспруденции. 2006. – 132 стр.
7. Миик Г., Мюллер Г., Гернон Х. Учет. Международная перспектива. – М.: Финансы и статистика, 1996. – 135 стр.
8. Киселева И.В., Кулиш Н.В. Эволюция моделей бухгалтерского учёта. Экономические науки, № 58-2, 11.01.2017.
9. Курбонов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудити. Ўқув қўлланма. – Т., 2012. – 176 б. (21)
10. Волкова О.Н. Управленический анализ. Учеб. – М.: ТК Велбэ, изд-во Проспакт, 2007. Ст. 9-304 с.
11. <https://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
12. <https://www.soliq.uz> – Солиқ қўмитаси сайти.
13. <https://www.imv.uz> – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги сайти.



ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ КРЕДИТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Расулов Акмал Абдунаимович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
хузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва
муаммолари» илмий-тадқиқот маркази
мустақил изланувчиси

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a29

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда таълим кредити тизимини ривожлантириш истиқболлари ўрганиб чиқилган. Халқаро ва илғор тажрибалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда таълим кредит тизимини ривожлантиришнинг бир қанча асосий ўналишлари белгилаб берилди ва мавзу яқунида хуоса шакллантирилган.

Ключевые слова: молиялашириш, грант, стипендия дастурлари, таълим кредитлари, талаба

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ КРЕДИТНОЙ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Расулов Акмаль Абдунаимович

Независимый исследователь исследовательского центра
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В статье рассматриваются перспективы развития кредитной системы образования в Узбекистане. На основе международного и передового опыта были определены несколько основных направлений развития кредитной системы образования в Узбекистане и в конце темы сформирован вывод.

Ключевые слова: финансирование, грант, стипендиальные программы, образовательные кредиты, студент.